



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Фарход Абдувалиевич Адиллов ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА).....	4
2. Камолахон Юсуповна Абдуразакова “ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Отабек Аманиллаевич Бахриев ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ.....	15
4. Жонибек Бўтаев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ.....	22
5. Рахмон Ибрагимов ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	30
6. Чинпўлат Минасидинович Курбанов XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ВОЈХОНА ИШИ HAҚИДА.....	38
7. Юлдузхон Имомова ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИГА ЛОББИЗМНИНГ ТАЪСИРИ.....	48
8. Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	53
9. Тимур Туляганович Раишев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКЕСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИ: МОДДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	59
10. Нодира Набиевна Сафиходжаева ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	67
11. Азизбек Гўзалович Холлиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	75
12. Фуркат Эшбоевич Тошбоев, Дилшод Рашидович Холмуродов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	82

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Отабек Аманиллаевич Бахриев,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий тадқиқотлар бўлими
илмий ходими (Самарқанд, Ўзбекистон)
baxriyev77@gmail.com

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ

For citation: Otabek A. Baxriyev, STATUS OF IMAM BUKHARI IN ISLAMIC LEGISLATION. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.15-21

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-3>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Имом Бухорийнинг ислом қонуншунослигида тутган ўрни, у киши фақат ҳадис илмининг пешвоси бўлиб қолмасдан, балки ислом қонуншунослигида фақиҳ ҳам бўлгани ҳақида маълумот берилган. Ислом фикҳида у киши ҳақида уламоларнинг эътирофлари борасида ҳам сўз юритилган. Мақоланинг сўнгида ислом қонуншунослигида, яъни фикҳда қонунларни чиқариб олишдаги таянган далиллари ҳақида маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: Фақиҳ, Куръон, суннат, ижмоъ, қиёс, Имом Бухорий, Саҳиҳул Бухорий, пешво, бобо, сарлавҳа, далил, мерос, сукут.

Отабек Аманиллаевич Бахриев,
Научный соискатель, Международный
научно-исследовательского центр
Имама Бухари (Самарқанд, Ўзбекистан)
baxriyev77@gmail.com

СТАТУС ИМАМА БУХАРИ В ИСЛАМИСКОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

АННОТАЦИЯ

В этой статье описывается роль имама Бухари в исламской юриспруденции, а также тот факт, что он был не только лидером в науке хадисов, но и правоведом в исламской юриспруденции. Исламская юриспруденция также упоминает признания ученых о нем. В конце статьи приводится информация о доказательствах, на которых основан исламский закон, то есть фикх.

Ключевые слова: Фақиҳ, Коран, Сунна, Иджма, Кийас, Имам Бухари, Саҳиҳ Бухари, Пешва, Баба, Титул, Доказательства, Наследование, Молчание

Otabek A.Baxriev
Scientific researcher, Imam Bukhari
international scientific-research
center (Samarkand, Uzbekistan)
baxriyev77@gmail.com

STATUS OF IMAM BUKHARI IN ISLAMIC LEGISLATION

ABSTRACT

This article provides information about the role of Imam Bukhari in Islamic jurisprudence, who was not only the leader of the science of hadith, but also a fuqih. Islamic jurisprudence also mentions the confessions of scholars about him. At the end of the article, information is provided on the evidence based on Islamic jurisprudence.

Index terms: Fakih, Koran, Sunnah, Ijma, Qiyas, Imam Bukhari, Sahih Bukhari, Peshwa, Baba, Title, Evidence, Inheritance, Silence.

1. Долзарблиги:

Ҳозирги кунгача бутун дунё мусулмонлари Имом Бухорийни ҳеч иккиланмасдан ҳадис илмининг пешвоси, қолаверса ҳадис илмида мўминларнинг амири ва устозларнинг устози бўлганлигини эътироф этиб келмоқда. У кишининг ҳадис илмида пешволигига ҳадис илми борасида кенг қамровли ёзган китоблари далил-исбот бўлади. Бироқ, Имом Бухорийнинг ҳадис илмидаги даражаси юксак ва пешво бўлгани сабабли фикҳдаги пешволигининг баъзи тарафлари билинмай қолган. Зеро, ҳалқ орасида Имом Бухорийнинг фикҳдаги пешволигига жуда кам эътибор берилади. Улар орасида, у кишини фақат ҳадис тўплаган, фикҳ борасида ижтиҳод қилмаган, деб даъво қилувчилар ҳам топилади. Бу мақоланинг аҳамиятли тарафи шундаки, Имом Бухорий ҳадис тўплаш билан биргаликда фикҳда ҳам ижтиҳод қилганини ёритиб беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Имом Бухорийнинг фақатгина муҳаддис бўлиб қолмасдан, балки буюк фақиҳ бўлгани, бу фақиҳлиги “Саҳиҳул Бухорий” асарининг тарожумларида намоён бўлиши, ижтиҳод йўлида улуғ мужтаҳидлар каби ислом шариатида қабул қилинган далилларга суянгани ҳамда у кишининг фақиҳлигига исбот тариқасида уламоларнинг айтган мақтовлари келтирилган. “Саҳиҳул Бухорий”да имом Бухорий фикҳий мақсадни кўзлаб ишлатган боб сарлавҳалари мавзуи устида уламолар жиддий тадқиқотлар амалга оширишган. Натижада “Саҳиҳул Бухорий”даги бобларнинг сарлавҳалари ҳақида 16 та асар ёзилган бўлиб, шулардан иккитаси босма ва учтаси қўлёзма шаклида бизгача этиб келган. Бунга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириб ўтиш ўринлидир:

1. Бу борада биринчи бўлиб Абул Аббос Аҳмад ибн Раўиқ ал-Андалусий (ваф. х.442, 1050 м.) “Китоб ʼала тарожими китобис Саҳиҳ лил-Бухарий ва маъоний мо ушкила минху” номли асар ёзган.
2. Низор ибн Абдулкарим Ҳамодонийнинг “Имам Бухарий фақиҳул муҳаддисин ва муҳаддисул фуқоҳо” деган китоби. Бу китоб уч фаслдан иборат бўлиб, биринчиси Имам Бухорийнинг ҳаёти, иккинчиси “Саҳиҳул Бухарий” китоби, учинчиси Имом Бухорийнинг фикҳидир.
3. Холид ибн Марҳуб ибн Муҳаммад Амин ал-Ҳиндийнинг “Тарожиму саҳиҳил Бухарий” деган китоби.
4. Сатр ибн Савоб ал-Жаъиднинг “Фикҳул имам ал-Бухарий фил буюъи вассалми мин жамиъиҳис саҳиҳи” деган китоби ва ҳакозо.

Имом Бухорийнинг фақиҳлиги борасида хорижлик уламолар тамонидан жуда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган ва бу тадқиқотлар асосида бир қанча китоблар, рисоалар ва

илмий ишлар ёзилган. Ачинарли ҳолат шуки, имом Бухорийнинг ватани бўлмиш Мовароуннаҳрда имом Бухорийнинг фақиҳлиги борасида жуда кам тадқиқот ишлари қилинган. Илгарилари турли сабаблар, жумладан, араб тилини билмаслик тўсиқ бўлган эди. Энди эса бу тўсиқлар олиб ташланиб, Аллоҳ хоҳласа, илм аҳллари имом Бухорийнинг ўрганилмаган қирраларини забт етиб, халқимизга етказадилар.

3. Асосий қисм:

Имом Бухорий ўзига хос ижтиҳоди билан фикҳ илмининг ҳам пешвосидир. Аммо уламолар наздида Имом Бухорийнинг фикҳ илмидаги ўрни ҳадис илмидаги ўрнидек, очик равшан намоён бўлмаган. Бунга сабаб, фикҳдаги ижтиҳодларининг барчаси махфий ижтиҳодлардан ҳисобланади. Шу сабабли фикҳ борасидаги пешволиги фақатгина иккита иш билан чегараланиб қолди. Биринчиси, уламолар Имом Бухорийнинг ҳаққига мақтовлар айтиб, “Фақиҳ” деб сифатланганлари бўлса, иккинчиси, Имом Бухорий ўз саҳиҳида тузган бобнинг сарлавҳалари фикҳда пешво бўлганига кўрсатма беришидир.

Демак, уламоларнинг Имом Бухорийни олқишлаб, “Фақиҳларнинг саййиди”, деб сифатлашлари у кишининг ҳадис илмидан ташқари фикҳ илмида ҳам пешво бўлганига далил бўлади.

Имом Бухорийнинг котиби Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроқ айтади: Ҳошад ибн Исмоилнинг шундай деганини эшитдим: Мен Басра шаҳрида бўлганимда Муҳаммад ибн Исмоилнинг бу шаҳарга келаётганини эшитиб қолиб, уни кутиб олиш учун чиқдим. У киши келган вақтда Муҳаммад ибн Ёсар уни: “Бугун бу шаҳарга фақиҳларнинг саййиди кириб келди”, деб олқишлаб кутиб олди [3.2/6].

Аҳмад ибн Ёсар айтади: “Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира Жуъфий илм толиби, одамларнинг суҳбатдоши ва ҳадис йўлида сафар қилиб, унда моҳир эди. Ҳадисдаги билми ва ёдлаш қобилияти ўта кучли бўлиб, шу билан бирга фикҳ илмини ҳам ўрганар эди” [3.2/6].

Қолаверса, Имом Бухорийни фикҳ илмида Имом Аҳмад раҳимаҳумуллоҳдан афзал кўрган кишилар ҳам топилади. Абу Мусъаб Аҳмад ибн Абу Бакр Мадиний бир даврада: “Муҳаммад ибн Исмоил бизнинг наздимизда Имом Аҳмаддан кўра фақиҳроқ эди”, деди. Шу пайтда унга шу ерда ўтирганлардан бири эътироз билдириб: Чегарадан ошириб юбординг, деди. Абу Мусъаб унга жавоб тариқасида айтди: Агар Имом Моликни ҳаётлик чоғида топиб, унинг юзига назар қилиб, кейин Муҳаммад ибн Исмоилнинг юзига қараганинда эди, албатта: Иккаласи фикҳ ва ҳадис илмида баробар экан, деб айтар эдинг” [3.2/19].

Яъқуб ибн Иброҳим Давроқий айтади: “Муҳаммад ибн Исмоил бу умматнинг фақиҳидир” [3.2/22].

Шунга ўхшаш гапни Наим ибн Ҳаммод ҳам Имом Бухорийни сифатлаб айтган [3.2/24].

Исҳоқ ибн Роҳавайҳ шундай деган: “Эй ёшлар жамоаси! Бу ёш йигитга эътибор беринглари ва ундан ҳадис ёзиб олинглари. Мадомики, у агар Ҳасан ибн Абу Ҳасан (Ҳасан Басрий) замонларида бўлганида эди, одамларнинг ҳадис ва фикҳ илмини ўрганишда албатта унга эҳтиёжи тушар эди” [3.2/27].

Шунга ўхшаш Имом Бухорийнинг фикҳдаги мавқеи ҳақида гапириб ўтган баъзи уламолар мана шундай сифатлар билан у кишининг ҳаққига кўпгина мақтовлар битганлар. Ўз ўрнида бу мақтовлар худди уламолар тарафидан Имом Бухорийнинг фикҳда пешқадам эканлигига ижмоъ қилганга ўхшайди. Зеро, биз бу ўринда юқорида айтилган фикҳ борасида у кишининг ҳаққига айтилган очик ва маъноли мақтовларни келтиришни ихтиёр қилдик. Қолаверса у кишини “Фақиҳларнинг саййиди”, деб сифатлаб, ҳатто, у кишини Имом Аҳмаддан афзал қилиб, Имом Моликга тенгладик. Буларнинг барчаси ҳеч шак шубҳасиз Имом Бухорийнинг фикҳда пешқадам бўлганига далолатдир.

Имом Нававий “Саҳиҳул Бухорий”га ёзган шарҳининг чўзилиб кетганидан узрланиб, шундай деган: “Агар одамларнинг ғайрати ва интилиши заифлашмаганда ва кенг ҳадис китобларга қизиқишлари камаймаганда эди, албатта, “Саҳиҳул Бухорий”га ёзган шарҳимни тақрор келган ҳадисларни киритмасдан 100 мужалладга етказган бўлар эдим. Чунки бу китоб

фойдаси кўп ва ислом қонуншунослигидаги махфий ва кўриниб турувчи услубларни ўз ичига камраб олган китобдир” [4.18].

Имом Бухорий фикҳ борасида пешволигига сабаб бўлган омил, яъни, Имом Бухорий ўз саҳиҳида тузган бобларнинг сарлавҳалари у кишининг фикҳда пешво бўлганига кўрсатма бериши борасида Ҳофиз ибн Ҳажар шундай деган: “Имом Бухорий ўзи ёзган “Саҳиҳул Бухорий” китоби фикҳий фойдалар ва чуқур маъноли гаплардан холи бўлмаслигини билгач, ўзининг ақли фаросати билан ҳадис матнларидан кўпгина фойдаларни чиқариб олиб, уларни муносиб бўлишига қараб китобнинг бобларида сарлавҳа ўрнида келтирди. Яна у ерда ҳукм оятларига эътибор бериб, улардан фикҳ борасида асосли далилларни чиқариб олди ва уларни тафсир қилишга ишора қилиб, кенг йўлни очиб берди” [6.10].

Яна, уламоларнинг ижмоси шуни кўрсатадики, Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадисларни ажратиб, танлагандан кейинги мақсади ҳадис матнларидан кўпгина маъноларни чиқариб олиш бўлган. Айнан мана шу йўл у кишининг фикҳи ҳисобланади [7.1/19].

Имом Бухорийнинг фикҳда пешқадам бўлганига далолат қиладиган сабаблардан яна бири, “Саҳиҳул Бухорий”ни шарҳлаган уламоларнинг шариат илмларида маълум ўз ўрни бўлганига қарамай, у кишининг мақсадини баён қилишда улар тарафдан ҳар хил қарашлар билдирилганидир. Кимки “Саҳиҳул Бухорий”да боблар учун тузилган мавзулардаги Имом Бухорийнинг мақсадини ёритиб беришдаги шарҳловчиларининг сўзларини ва ўша мавзунинг остига киритилган далилларни ўқиса, Имом Бухорийнинг фикҳ борасида пешқадамлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Имом Бухорий ҳадис китоб ёзиш билан бирга шариат қонунларини чиқариб олишда ушбу далилларга суянган:

1. Қуръони карим. Имом Бухорий тузган бобларнинг сарлавҳаларида Аллоҳ таоло каломидан кўпгина оятларни далил қилиб, ўша оятлардан ажойиб далилларни чиқариб олган. Бунга мисол, Имом Бухорий “Савдо китоби”да **“Унда яна (сувни) ёриб кетаётган кемаларни кўрасиз. Унинг фазли (ризқи)дан талаб этишингиз ва (неъматларига) шукр қилишингиз учун (шундай қилди)”** [16.14], деган оятни Матор раҳматуллоҳи алайҳдан келган ривоятга кўра, денгиздаги кемага тижорат қилиш учун минишнинг жоизлигига далил қилади. Бу билан Имом Бухорий худди Абу Довуд ўзининг сунанида “Жиход китоби”да Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан: “Денгиздаги кемага фақат ҳаж ё умра ёки Аллоҳ йўлида душманга қарши уруш учун чиқилади” [5.5/145], деб ривоят қилган ҳадисига раддия бергандек. Чунки, Абу Довуд ўзи бу ҳадисга изоҳ бериб шундай деган: “Бу ҳадис жуда заифдир. Уни ривоят қилган Абу Абдуллоҳ ва Башир ноаниқ ровийлардир” [7.145].

2. Суннат. Имом Бухорийнинг суннатдан далил олишда пухта билимга эга эканлиги ҳамда у кишида саҳиҳ ҳадислар тўғрисида жуда кўп маълумотлар бўлгани маълумдир. Ҳатто у киши кўпгина масалаларни шартига тўғри келмайдиган ҳадисни сабаб қилиш билан сарлавҳа тузиш орқали чиқариб олади ва ўша сарлавҳа остида шартига мос келадиган ҳадисларни келтиради.

3. Ижмоъ. Уламолар ижмоъси ҳам Имом Бухорий наздида далил сифатида қабул қилинган. Шу сабабли у кишининг фикрига кўра, агар уламолар ижмоъси қозининг чиқарган ҳукмига қарши чиқса, унда қозининг ҳукми бекор бўлади. Имом Бухорий мана шу сўзини қувватлаш учун “Ҳукмлар китоби”да “Ҳоким шавқатсизлик қилишни ёки илм аҳлига хилоф иш тутишликни буюрса, рад қилинади”, деб сарлавҳа тузган [2.551]. Бу бобда Солим отасидан ривоят қилган ҳадисни келтирган: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Холид ибн Валидни аскарларга бошлиқ қилиб Бани Жузайма қабиласига юбордилар. Улар: “Исломни қабул қилдик!”, дейиш ўрнига, билмай: “Диндан қайтдик!”, деб юборишди (яъни, “Аввалги динимиздан қайтиб исломга кирдик!”, деб айтмоқчи эдилар). Шунда Холид Ибн Валид уларга қарши аскарларни жангга ташлади, натижада кўпчилиги ўлдирилиб, қолганлари асир олинди. Кейин, ҳар биримизга ўзимиз қўлга туширган асиримизни ўлдиришни амр қилди. Мен ўлдиришдан бош тортдим, шерикларим ҳам шундай қилишди. Қайтиб боргач, бу ҳақда Жаноб Расулуллоҳга айтган эдик, у зот: **“Эй Парвардигоро, Холид ибн Валиднинг қилмишида кўлим йўқдир!”**, дедилар, яъни, Холид ибн Валиднинг

суриштирмай-нетмай уларни ўлдирганини назарда тутдилар. Имом Бухорий бу бобда Холид ибн Валид бошлиқ бўлишига қарамай саҳобалар у кишининг чиқарган ҳукмига ўз ижмоълари билан қарши чиққанларини эътиборга олган.

“Китоб ва суннатни маҳкам ушлаш китоби”да, “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг илм аҳлининг иттифоқи ҳақида сўз юритганлари ва ундаганлари; Икки ҳарам – Макка ва Мадина (уламролари) ижмо қилган нарсалар ҳақидаги боб”, деб сарлавҳа тузиб, бу бобда ибн Аббос (р.а)дан ривоят қилинган ҳадисни келтирди [8.8/507].

Бундан ташқари, Имом Бухорий сукутий (жим туриш) ижмоъ билан ака-укалар учун бўлган меросдаги ҳақдан бобонинг ман қилинишига қарши Абу Бакр (р.а.)нинг сўзини ҳужжат қилиб келтириб, бобонинг мерос олишини жоиз қилди ва бу ҳақда “(Маййитнинг) отаси ва ака-укалари билан бирга бобосининг ҳам мерос олиши ҳақида” [1.1669], деб боб тузган. Бу бобда биринчи саҳобаларнинг сўзини келтирди, яъни, “Абу Бакр, Ибн Аббос ва Ибн Зубайр розияллоҳу анҳумлар айтди: “Бобо ота (ўрнида)дир”, (сўнгра) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо “Эй Одам болалари” [7.26], “Оталарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубнинг миллатига эргашдим” [12.38] оятларини қироат қиларди. (Бу масалада) Абу Бакрга ўз замонасида бирор кишининг қарши чиққани зикр қилинмаган, ҳолбуки, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари жуда кўп эди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: “Мендан (кейин) ака-укаларим қолиб, ўғлимнинг ўғли мерос олади-ю, мен ўғлимнинг ўғлидан мерос олмайманми?” деган. Бу борада Умар, Алий, Ибн Масъуд Зайд розияллоҳу анҳумдан бошқа қавллар ҳам ривоят қилинган” [1.1670].

Изоҳ: Агар маййитнинг отаси ўлиб кетган бўлса, бобоси, яъни отасининг отаси ота ўрнида мерос олади. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо бунга далил сифатида мазкур оятларни эсга олган. Зеро, Қуръони каримда инсониятга “Одам болалари” дейилгани, яъни Одам алайҳиссалом бутун инсониятнинг отаси деб қаралиши, шунингдек, Юсуф алайҳиссалом ўз боболарини ҳам “оталарим” деб айтгани бобонинг ота ўрнида кўрилишини тақоза этади.

Имом Бухорий Ибн Аббос (р.а)дан бобонинг мерос олишига бошқа бир қиёсий далил келтирмоқда: набира отаси бўлмаганда бободан мерос оладими, демак, бобо ҳам ўртада ўз фарзанди бўлмаганда набирадан мерос олади. Бобонинг мерос олиши ҳақида ижмоъ собит бўлса-да, қанча миқдорда олиши ҳақида турлича фикрлар бор [8.8/153].

Демак, Абу Бакр (р.а.) бобони отага тенглаштириб, бобони ота деб ҳукм чиқардилар, аммо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари кўп бўла туриб, ўша вақтда бирорта саҳоба у кишига қарши чиқмади [2.485]. Яъни, Абу Бакр (р.а.)нинг сўзига ҳеч бир саҳоба қарши чиқмасдан сукут қилдилар. Уларнинг сукут қилиши шу ҳукмга рози эканлигини билдиради. Имом Бухорий бу масалада саҳобаларнинг мана шу ижмосини далил қилиб олган.

4. Қиёс. Имом Бухорий қиёсни далил ўрнида қабул қилган. Аммо баъзи аҳли илмлар каби қиёсни кенг йўл қилиб олмаган. Балки, “Китоб ва суннатни маҳкам ушлаш” китобида, “Раъй (ўз билганича фикр юритмоқ) ва қиёсда такаллуф қилиш жумласидан бўлган ишларни қоралаб айтилган нарсалар ҳақидаги боб” [8.8/496], ва яна, “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эркагу аёл умматларига раъй ва қиёс (ўхшатиш) билан эмас, Аллоҳ У Зотга ўргатган нарсдан ўргатганлари ҳақидаги боб” [8.8/499] деб сарлавҳа тузди. Биринчи бобда Урва Абдуллоҳ ибн Амрдан: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Аллоҳ илмни уларга (одамларга) бергандан кейин уни бирдан суғуриб олмайди, балки ораларидан уламоларни илмлари билан қабз қилиб, уни суғуриб олади. Шунда жоҳил одамлар қолади. Улардан фатво сўралади, улар ўз раъйлари билан фатво бераверишади. Натижада адаштиришади ва адашишади”, деб айтганларини келтирган. Имом Бухорий бу бобни Қуръон ва ҳадис илмига таянмасдан ўз фикри билан фатво чиқаришни қоралаш мақсадида тузган. Иккинчи бобда эса, Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисни келтирган, яъни: “Бир аёл Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, “Эй Аллоҳнинг Расули! Эркаклар ҳадисингиз(ни ўрганиш)да илгарилаб кетишди. Бизга ҳам бир кунни таъйин қилсангиз, шу кунларда ҳузурингизга келсак, Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан бизга ҳам ўргатсангиз”, деди. Шунда “Фалон-фалон кунлари фалон-

фалон жойга тўпланишлар”, дедилар. Улар тўпланишди. У зот келиб, Аллоҳ ўзларига ўргатган нарсалардан уларга ўргатдилар...” [1.1806]. Имом Бухорий бу бобни тузиш билан худди юқоридаги бобни таъкидлагандек, яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматини ўз раъйлари билан фатво беришдан қайтаришларидан ташқари, у зот ҳам эркагу аёл умматларига раъй ва қиёс билан эмас, балки Аллоҳ у зотга ўргатган нарсадан таълим берганларини айтиб ўтаяпти.

Имом Бухорий қиёс бобида учинчи сарлавҳани тузиб, уни “Сўровчига тушунтириш мақсадида Аллоҳ ҳукмларини баён қилиб қўйган маълум аслини баён қилинган аслга ўхшатиш ҳақидаги боб” [1.1807], деб номлади. Бу билан қиёсга ижобий фикр билдириб, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисни келтирган: “Бир аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб, “Аёлим қоп-қора бола туғди. Мен эса уни тан олмадим”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **“Сенинг туяларинг борми?”** дедилар. У “Ҳа” деди. **“Ранглари қанақа?”** дедилар. “Қизил” деди. **“Ораларида кулранги ҳам борми?”** дедилар. “Ҳа, кулранги ҳам бор”, деди. **“Бу уларга қаердан келган деб ўйлайсан?”** дедилар. “Эй Аллоҳнинг Расули, наслига торгандир-да”, деди. Шунда у зот: **“Эҳтимол, бу ҳам наслига торгандир”**, дедилар ва ундан тонишга унга рухсат бермадилар” [8.8/502]. Бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўровчига қиёс билан жавоб берапти. Имом Бухорий юқоридаги сарлавҳани шунга асосан тузган.

Имом Бухорий қиёсга таъаллуқли тўртинчи сарлавҳани ҳам шу китобда тузиб, у бобни “Далиллар билан билинадиган ҳукмлар ҳақида. Далолатнинг маъноси ва унинг изоҳи қандай бўлади?” [1.1815], деб номлади. Ушбу бобда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам от ва ундан бошқа нарсаларнинг закотини бериш ҳукмини айтиб бердилар. Кейин эшак(дан закот бериш-бермаслик) ҳақида сўрашган эди, уларга Аллоҳ таолонинг **“Бас, ким зарра оғирлигича яхшилик қилса ҳам, уни кўради”** [9. 99/07], деган сўзини эслатдилар” [8.8/521], деган хабарни келтирган. Яъни, от ҳақидаги гапларни эшитган одамлар энди эшак боқиш ва ундан закот бериш-бермаслик ҳақида сўрашган. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам умумий маънодаги оятни келтириб, яхшилик учун боққан одам савоб олишини тушунтирганлар. Яъни, бу ҳадисдаги далил билан билинадиган ҳукм шуки, юқоридаги оятга биноан эшак боқишда ундан закот берилмасада, аммо яхшилик учун боққани учун савоб олиши маълум бўлади.

Натижада, бу сарлавҳаларнинг баъзиси баъзиси билан жам қилинганда, аввалги тузилган икки бобда раъй ва қиёснинг салбий тарафи олинган бўлса, кейинги икки бобда эса уларга ижобий қаралган, деган тушунча ҳосил бўлади. Бундан маълум бўладики, Имом Бухорий оз ўринда бўлса ҳам қиёсни далил сифатида олган ва қиёс у кишининг наздида далил ўрнида олинган, аммо кенг қўлламаган [7.1/19].

4.Хулосалар:

Мавзуга хулоса тарзида қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

- Уламоларнинг ижмоси шуни кўрсатадики, Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадисларни ажратиб, танлагандан кейинги мақсади ҳадис матнларидан кўпгина маъноларни чиқариб олиш бўлган. Айнан мана шу йўл у кишининг фикҳи ҳисобланади;
- Имом Бухорий ўз саҳиҳида тузган бобларнинг сарлавҳалари у кишининг фикҳда пешво бўлганига кўрсатма бериши борасида Ҳофиз ибн Ҳажар шундай деган: “Имом Бухорий ўзи ёзган “Саҳиҳул Бухорий” китоби фикҳий фойдалар ва чуқур маъноли гаплардан холи бўлмаслигини билгач, ўзининг ақли фаросати билан ҳадис матнларидан кўпгина фойдаларни чиқариб олиб, уларни муносиб бўлишига қараб китобнинг бобларида сарлавҳа ўрнида келтирди. Яна у ерда ҳукм оятларига эътибор бериб, улардан фикҳ борасида асосли далилларни чиқариб олди ва уларни тафсир қилишга ишора қилиб, кенг йўлни очиб берди” [6.10];
- Имом Бухорийнинг фикҳда пешқадам бўлишидаги омиллардан яна бири, “Саҳиҳул Бухорий”ни шарҳлаган уламоларнинг шарият илмларида маълум ўз ўрни бўлишига қарамай, Имом Бухорийнинг мақсадини баён қилишда улар тарафдан ҳар хил қарашлар билдирилганидир. Кимки “Саҳиҳул Бухорий”да боблар учун тузилган мавзулардаги

Имом Бухорийнинг мақсадини ёритиб беришдаги шарҳловчиларининг сўзларини ва ўша мавзунинг остига киритилган далилларни ўқиса, Имом Бухорийнинг фикҳ борасида пешқадамлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Ҳозирги кунда ҳам аҳли илмилар тарафидан буюк аждодларимиз қолдирган бой мероси, жумладан, бобомиз имом Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди ҳар тарафлама тадқиқ қилинмоқда. Келажакда ҳам бу борада янада кўпроқ ишларни амалга ошириш ва уларни ҳалқимизга етказиш биз тадқиқотчиларнинг вазифаси бўлиб қолаверади.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳихул Бухорий. – Байрут: Дару Ибн Касир, 2002. 1670, 1806, 1807,1815 б. (Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail Bukhari. Sahihul Bukhari. - Beirut: Daru Ibn Kasir, 2002. 1670, 1806, 1807,1815 b.)
2. Абдулазиз Мансур. Саҳихи Бухорий. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. 551, 485 б.(Abdulaziz Mansur. Sahih Bukhari. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan State Scientific Publishing House, 2008. 551, 485 p.)
3. Абу Бақр Аҳмад ибн Али Хотиб Бағдодий. Тарих Бағдод мадинатус салам. – Байрут: Дарул фикр, 2004. 2-жилд, 6, 19, 22, 24, 27 б.(Abu Bakr Ahmad ibn Ali Khatib Baghdadi. History Baghdad madinatus salam. - Beirut: Darul Fikr, 2004. Volume 2, 6, 19, 22, 24, 27 p.)
4. Имом Нававий. Мо тамассу илайҳи ҳажатул Қори ли-Саҳҳихил Имамил Бухориййи. – Байрут: Дарул кутубул илмийя , 2018. 18 б. (Imam Nawawi. Mo tamassu ilayhi hajatul Qori li-Sahhihil Imamil Bukhari. - Beirut: Darul kutubul ilmiyya, 2018. 18 p.)
5. Имом Абу Довуд Сижистоний. Сунану Аби Довуд. – Байрут: Дарул кутубил илмийя, 1996. 5-жилд, 145 б. (Imam Abu Dawud Sijistani. Sunanu Abi David. - Beirut: Darul Kutubil Ilmiyya, 1996. Volume 5, 145 p.)
6. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ҳадюс сорий. – Байрут: Дарул маърифати, 2014. 10 б. (Ibn Hajar Asqalani. Hadyus soriy. - Beirut: Darul Ma'rifati, 2014. 10 p.)
7. Муҳаммад Закариё ибн Яҳё Кандехлавий. Ал-абвабу ват тарожиму ли-Саҳихил Бухориййи. – Байрут: Дарул башаирул исламийяти, 2012. 1-жилд, 19, 145 б. (Muhammad Zakariya ibn Yahya Kandehlavi. Al-abwabu wat tarojimu li-Sahihil Bukhari. - Beirut: Darul Bashairul Islamiyati, 2012. Volume 1, 19, 145 p.)
8. Олтин силсила: 8-жуз : Саҳихул Бухорий – Тошкент: Hilol-Nashr, 2018. 8-жилд, 153, 496, 499, 502, 507, 521 б. (Golden Series: Volume 8: Sahihul Bukhari - Tashkent: Hilal-Nashr, 2018. Volume 8, 153, 496, 499, 502, 507, 521 p.)
9. Абдулазиз Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 99-сура 07-оят, 16 сура 14-оят, 7-сура 26-оят, 12-сура 38- оят. (Abdulaziz Mansur. Translation and interpretation of the meanings of the Qur'an. – Tashkent: Tashkent Islamic University Publishing and Printing Association, 2004. Sura 99, verse 07, Sura 16, verse 14, Sura 7, verse 26, Sura 12, verse 38.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№12 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000